

## Шоим Бўтаев Асарларида Шайтон Образининг Неомифологик Талқини

*М. Қўчқорова<sup>1</sup> Ф. Машарипова<sup>2</sup>*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Шоим Бўтаев томонидан яратилган субъектив миф ёки мифологик тафаккур асосида шаклланган бадий асар қурилмаси, мифологемалар иштироки, сюжет ва мотивлари ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида янги адабий йўналиш – неомиф насрни ташкил этганилиги ҳақида гап боради.

**Калит сўзлар:** шайтон образи, ромам, номифологик талқин, ўзбек адабиётшунослиги.

Рус адабиётшунослигида ўтган асрнинг 50-йилларида В.М.Жирмунский шарҳи ва сўзбошиси билан “Доктор Фауст ҳақида афсоналар” деб аталган каттагина китоб яратилган. Китобда жамланган материаллардан маълум бўлмоқдаки, Доктор Фауст ва Шайтон Мефистофель ҳақидаги асарларнинг туб замини немис халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ. Шайтон образи дунё халқлари адабиётида турфа номлар билан атаб келинади. Жумладан, Мефистофель (Гёте “Фауст” трагедиясида), Демон (Лермонтов “Демон” поэмасида), Волмонът (М.Булгаков “Уста ва Маргарита” романида), Иблис (О.Уайлд “Дориан Грейнинг портрети” романи ва Роберт Стивенсон “Шайтоний шиша” ҳикоясида), Жаноб Химер (Ш.Бўтаев “Шох” романида), Шайтони Бузург (Н.М.Рауфхон “Шайтони Бузург” ҳикоясида) каби турфа номлар билан аталиб, жаҳон халқлари ва ўзбек адабиётида зохир бўлган.

Дунё халқлари адабиётида неча минг йиллардан бери турли исмлар, номлар билан яратиб келинаётган Шайтон образининг бадий генезислари аслида диний манбаларга бориб тақалади. Хусусан, “Қуръони карим”даги Шайтони лаъйин ҳақидаги ривоят ва суралар бу фикримизни тасдиқлайди.

Ш.Бўтаев “Шох” романида икки ёш ишбилиармонлар Хотам ва Қулмаҳмуддинг ғалати, қулоқ эшишиб, кўз кўрмаган саргузаштларидан ҳикоя этади. Роман структурасида кучли сарказм, пародиявий-ҳажвий оҳанг, пародия-образ, киноя, ниқобли кишилар образи, воқеалар ва қаҳрамонларни бошқа мамлакат, бошқа миллат қиёфасига кўчириб тасвирлаш приёми, шунингдек, неомиф унсурлари кўриниш бериб турибди. Асада ироник бадий модус билан неомифологик модус шу даражада қоришиқ, профессионал қалам билан қўлланган.

Немис адиби Гётенинг “Фауст” трагедиясидан “Эгри шох, тўғри шох, аҳли турфаҳол” мисраси “Шох” романига эпиграф сифатида танланган. Юқорида айтганимиздек, И.В.Гёте “Фауст” трагедиясини яратишида немис халқ афсонасига суюнади. Унда ақлли инсон (доктор Фауст) ва шайтон (Мефистофель) образи акс эттирилган. Шоим Бўтаев “Шох” романида узоқ бадий генезисга эга бўлган Шайтон образини бугунги кун воқеалари ва одамлари қаторида “Жаноб Химер” қиёфасида қайта жонлантиради. Бу образга берилган тавсифлар, унинг дамба-дам муроала қиласиган ота-боболари тарихини вараклаши, барча-барча рамзий деталлар унинг “Шайтон” образи эканини тасдиқлайди.

Романинг янгилangan неомифологемалари сифатида яратилган жаноб Химер ва Доктор Рабинович моҳиятан Гётенинг Мефистофели билан доктор Фаустини эслатади. Бу диний-мифологик, адабий образлар ўртасида анчайин нозик параллеллар кузатилади. Кузатаётганимиздек, Ш.Бўтаев немис халқ афсоналари таъсирида яратилган “Фауст” асаридаги бадий архитипдан маҳорат билан фойдаланади. Аммо ёзувчи Ш.Бўтаев трагедиядаги машхур

<sup>1</sup> ф.ф.д

<sup>2</sup> магистрант



халқ афсонасида айтилган сюжетни айнан тақрорламайди. Ёзувчи ўзининг шахсий фантазияси, юксак бадиий тафаккури билан “Шох” романини яратади. Ёзувчи Шайтон образини яратишда нафақат, немис адаби Гёте асарига таянади, балки, туркий халқлар мифологиясидан ҳам таъсиранади, улардан унумли фойдаланади. Энг муҳим манба сифатида ислом динининг муқаддас китоби “Куръони карим”, бундан ташқари, Носириддин Рабғузийнинг “Қиссас ул-анбиә” асарларидаги суралар, афсоналар, хикоятлар магзини роман сахифаларига маҳорат билан муҳрлайди. Зоро, романга мурожаат қиласиз: “Жаноб Химер бобоси Иблиснинг ер юзига тушиши ҳақида турли халқларда турлича тўқилган юзлаб ривоятлардан яна биттасини шу китоб ичидан топиб олиб, қизиқсиниб кўздан кечирмоқда эди...”<sup>2</sup>. Ёзувчи Одам Отанинг Сарандиб тоғига тушиши, Момо Ҳавонинг Жадда тоғига тушиши, Иблиснинг Басрага тушиши ҳақидаги диний мифларни романда Жаноб Химер образи ва унинг ота-боболари ўтмиши сифатида қизиқарли услубда баён этади. Жаноб Химер романда “ақл, тадбиркорлик” тимсоли бўлиши билан бирга одамлар ўртасида “нифоқ, алдов, ҳаром-ҳариш, зинокорлик, кўзбўямачиликнинг дояси” сифатида ҳам рамзий талқин этилади.

Роман қаҳрамонлари Ҳотам ва Қулмаҳмуд узум бизнес қилаётib, ноқонуний равишида, ўзлари англаб-англамай яна бир ишга қўл уришади. Сайғоқ шохини бизнес қилишади. “Шох бизнеси”, “Олтин шох мукофоти”, “Олтин шох шоу” дастурининг ўтказилиши асарда оригинал бир сюжет сифатида топилган. Эркак сайғоқ шохидаги жинсий қувватни оширувчи суюқлик жуда қиммат нархда сотилади.

Маълумки, афсоналар ва диний манбаларда Шайтон образи шохли, думли, туёкли, жундор маҳлук сифатида тасаввур қилинади. Ш.Бўтаев мазкур образ ҳақидаги диний-мифологик ва адабий қарашларга суюнган ҳолда Шайтон образини худди шу тарзда ва инсон қиёфасида тасвиirlайди. Масалан, шайтонни ўз кўзи билан кўрган Полина баёнида шундай ифодаланади: “-Кўчада ортимдан қувиб келган шохдор маҳлукни анаву ерда кўргандай бўлдим, - деди Полина ҳализамон Қулмаҳмуд турган жойни кўли билан кўрсатганича. – Ҳаммаёгини жун босиб кетган, кўзлари қип-қизил маҳлук...”<sup>3</sup>. Ёки яна бир қаҳрамон Лўли қизга таърифида Шайтон шундай тасвиirlанади: “-Сиз қараманг, кўраман деб овора бўлманг, - вайсарди лўли. – Барибир кўролмайсиз. У-у-у, кўзи ямонакан, кўзидан ман кўрхдим. Қулоғини жун босган, елкалари букчайган, чихган”<sup>4</sup>; “Хайдовчи қувиб юборган лўли қиз Ҳотам берган пулни увада-сувада кийимларининг ичига тиқар экан, ҳадеб:

-Шайтон, шайтон! – дея fўлдирап, қалт-қалт титрарди”<sup>5</sup>.

Жаноб Химернинг яна бир алоҳида хусусияти одамнинг ичидаги фикрини ўқийди. Ш.Бўтаев Шайтон қиёфасидаги “Жаноб Химер”нинг айнан шу хусусиятига урғу бериб боради. Шу йўл билан адаб Шайтон образига илоҳий, мифологик талкин беради.

XX аср замонавий ўзбек насирида Шайтон образининг янгича бадиий талқини Фитратнинг “Шайтоннинг тангрига исёни” асарида бошланиб, аср адоги ва янги аср бошида Ш.Бўтаевнинг “Шох”, Н.Эшонқулнинг “Тун панжаралари”, Н.М.Рауфхоннинг “Шайтони Бузург” асарларида бу образга тақрор мурожаат этилди. Ҳар уч ёзувчи Шайтон образини роман ва ҳикоя жанрида яратар экан, “Куръони карим” ва Рабғузийнинг “Қиссаси ул анбиё” асарларидаги Шайтон ҳақидаги ривоятлар мазмуни ва бу образнинг зоҳирий ва ботиний хусусиятларига бирхилда ёндошиб, айни пайтда ҳар бири алоҳида индивидуал бадиий тўқимаси орқали тимсолни муқаммал неомифолагема сифатида яратиш учун ўзларининг шахсий ижодкорлик салоҳиятини намоён этишган.

Айтишимиз жоизки, Шойим Бўтаев “Шох” романидаги Шайтон образини яратишда икки хил йўлдан боради. Биринчиси, инсон қиёфасидаги шайтон образининг бадиий тимсолини Жаноб Химер образида мужассамлаштирган бўлса, иккинчиси, Н.Эшонқул тасвиридагидек жунли,

<sup>2</sup> Бўтаев Ш. Шох. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 109.

<sup>3</sup> Бўтаев Ш. Шох. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 180.

<sup>4</sup> Бўтаев Ш. Шох. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 32.

<sup>5</sup> Бўтаев Ш. Шох. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 34.



туёкли, думли қилиб акс эттиради Ш.Бўтаев Шайтон образининг иккинчи тасвирида “шохдор, жундор, буқчайган, кўзлари қип-қизил маҳлук” сифатида ифодалайди.

Шойим Бўтаев Шайтон образини яратишда янада бошқачароқ йўлдан боради. Хусусан, Жаноб Химер тез-тез вараклаб ўқийдиган яшил китоб, унинг кўзларида ўйнайдиган яшил учқун, патнисда келтирилган стакандаги ичимликда кўринган яшил учқунлар, “Кўк аланга” корпорацияси сингари рамзий-халқали деталлар бирлашиб, жаҳон адабиёти тажрибаларида синалган Шайтон образини яратишдаги ижодий анъаналарга эргашганлиги, яна бошқа жиҳатдан эса ёзувчининг янгича оригинал бадиий талқини кузатилади. Жумладан, инглиз ёзувчиси Роберт Стивенсоннинг “Шайтоний шиша” хикоясида бўйни узун, қорни бақалоқ шиша ичидағи шайтоннинг “аланга”, “соя” сифатида зоҳир бўлиши билан Шойим Бўтаев яратган Жаноб Химер (Шайтон) атрофидаги барча яшил рангли аланга ўртасида муайян муштараклик борлиги англашилади. Жумладан: “Патнисда одамларнинг сонига тенг микдорда қадаҳчалар бор эди. Қадаҳчалар ичидағи олий нав вино кўкиш аланга сочиб турарди. Бу йиғилганларнинг кайфиятини бирданига кўтариб юборди.

Ҳамма ўрнидан турди. Котиба кўзларидан кўкиш аланга сачратганча патнисни ҳар бир кишининг олдига олиб борар, кўзи билан қадаҳни олишга ундан, сўнгра миннатдорчилик билдираётгандек жилмайиб қўйиб, нари кетарди”<sup>6</sup>. Роберт Стивенсонда ҳам аланга ва сояга урғу берилади: “Мезбон шундай деб аллақандай жавонни очди ва ичидан узун бўйинли ва қорни бақалоқ шишани олди. Шиша сутдек оқиш ойнадан ясалган бўлиб, камалакнинг жамики рангларида ёлқинланиб-тovланиб турарди. Унинг ичидан эса соячами, аланга тилигами ўхшаш алламбало бир нарса тўхтовсиз ёғдуланиб-ўйноқлаб ётибди”<sup>7</sup>.

Ш.Бўтаев билан Роберт Стивенсон тасвиридаги Шайтонга хос умумий типологик ўхшашлик “аланга”, “кўкиш аланга”да кузатилмоқда. Фикримизча, адибларнинг бундай бир хил умумий бадиий тасвирига асос яна ўша “Инжил” ва “Қуръони Карим”даги Шайтоннинг яратилиши билан боғлиқ ривоятга билан боғланади. Зеро, уларда ёзилишича, Одам Ота билан Момо ҳавво тупроқдан, фаришталар нурдан, Шайтон эса оловдан яратилади. Демак, Шойим Бўтаев билан Роберт Стивенсон тасвиридаги “аланга”, “кўкиш аланга” ва “учқун”нинг тасвири бежиз эмас. Уларни реал диний мифология замини бирлаштириб турибди.

Хулоса шуки, ҳозирги ўзбек насрода Шайтон образини яратишда ёзувчиларимиз учун ҳам шарқ, ҳам ғарб адабиёти анъаналари, шу билан бирга муқаддас диний китоблар таянч манба бўлди. Энг муҳими, Шайтон образини яратишда неча минг йиллик мифоархитипдан ўзбек адибларидан Шойим Бўтаев маҳорат билан фойдалана билди.

#### **Фойданилган адабиётлар:**

1. Бўтаев Ш. Шоҳ. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – 332 б.
2. Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари. (Қодир Мирмуҳаммедов таржимаси). Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
3. Легенде о докторе Фаусте. Издание подготовил В.М.Жирмунский. – Москва-Ленинград: Издательство Академии Наук СССР, 1958. – 576 с.
4. Новейшая энциклопедия символов и знаков. Алексенко В.В., Горецкая И.С., Коган Э.В., Рахко М.О. Москва: Рипол классик, 2008.
5. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Этакдаги кулба. – Тошкент: Академнашр, 2014. – 376 б.
6. Стивенсон Р. Шайтоний шиша // Жаҳон адабиёти. №11. 2009. – Б. 3-28.

<sup>6</sup> Бўтаев Ш. Шоҳ. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 134-135.

<sup>7</sup> Стивенсон Р. Шайтоний шиша. Хикоя. (Таржимон Рустам Обид) // Жаҳон адабиёти. 2009. №11. – Б. 4.

